



ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси 18 апрель, пайшанба, 1996 йил
Сотува эркин нархда. № 76 (1329)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 апрель куни Американинг «Озод Европа» ва «Озодлик» радиокорпорацияси президенти Кевин Клозни қабул қилди. Президент Ислам Каримов Тошкентда «Озодлик» радиосининг ваколатхонаси очилиши жаҳонга Ўзбекистон ҳақида бевосита ҳаққоний ахборотлар бериш имкониятини яратганини қайд этди ва Америка Қўшма Штатлари Конгресси томонидан молиявий таъминланган ушбу радиокорпорация демократик озод жамият куриш, ўз истиқлолини мустақамлаш йўлидан бораётган Ўзбекистон халқининг дунёда кечаётган воқеалардан хабардор бўлишида ҳам муҳим ўрин тутганини айтди. Жаноб Кевин Клознинг сафари эса «Озод Европа» ва «Озодлик» радиосининг мамлакатимизда Фавкуллда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмер Эскудеро, «Озодлик» радиоси ўзбек шўбаси муdiri Ёқуб Турон ҳозир бўлди.

ида республикаимизда катта ўзгаришлар рўй берганини эътироф этди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан «Озод Европа» ва «Озодлик» радиокорпорацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳуусида фикрлашиб олинди. Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди. Қабул маросимида Американинг Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмер Эскудеро, «Озодлик» радиоси ўзбек шўбаси муdiri Ёқуб Турон ҳозир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазири раислигида, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон «Бизнесфонд»и бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Санаят, энергетика, транспорт, аҳоли ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Изидор Кочмарик олиб борди. Йиғилишда қатор вазирлик, қорхона, ташкилот вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. «Узетиқбол»нинг Иқтисодий ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш илмий-тектириш институти директори, Қонун лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳи раҳбари, иқтисод фанлари доктори М. Абдусаломовнинг Қонун лойиҳаси ҳақидаги ахбороти тингланди.

2. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етиштирилишида кўп қиррали ёрдам кўрсатишини ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилангани таъкидлансин.

МАТБУОТЧИЛАР АНЖУМАНИ

Бухорода «Ўзбекистон Республикаси тараққиётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусида халқаро семинар бошланди. Уни Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиздаги минтақавий ваколатхонаси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди.

Семинарнинг очилиши маросимида Конрад Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиздаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Волфганг Шрайбер ва Бухоро вилояти ҳокими М.Раҳмонов сўзга чиқдилар. Анжуманининг дастлабки куну Бухоро вилояти шарифининг 2500 йиллик тарихи ва бугунги кунини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мавзусига бағишланди. Уч кун давомида бухоролик журналистлар экология, иқтисодиёт, халқаро туризм, коммуникацияни ривожлантириш мавзуларида ўзаро фикр алмашдилар. Шу соҳа мутахассислари, олимлар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

3. Жамғарма ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблар билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инobatта олинсин.

ПАРИЖЛИКЛАРГА ТУҒФА

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нафақат республикаимизда, балки хорижда ҳам кенг нишонланади.

Маялукми, шу йил 22-27 апрель кунлари Франция пойтахти — Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида ана шу санага бағишлаб «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ана шу тадбир доирасида Ўзбекистоннинг бугунги куну ва бой тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма намойиш этилади. Тарихчи олимларимиз иштирокчи Амир Темур ҳаёти ва унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига доир халқаро анжуман ўтказилди. Республикаимизнинг машҳур хонани ва соҳначилари, пойтахт театрлари артистлари ижросида концертлар қўйилди. Республика Давлат матбуот қўмитаси наشريятлари ана шу тантаналарга муносиб соғва ҳозирлади. Улар орасида Гафур

4. Жамғарма Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятни, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминини соғлом руҳ ҳақида дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишчи мақсад қилиб қўйилганини эътироф этилсин.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 17 апрель.

БМТ ВАКИЛИ ҚАШҚАДАРЁДА
Бирлашган Миллатлар Ташкилатининг

ФРАНЦИЯ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Париждаги Халқаро дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номи китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китобини Франция оммавий ахборот воситалари вакиллари таништириш ва тақдим этиш маросими мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси билан Халқаро дипломатия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Париждаги энг йирик оммавий ахборот воситалари

вакиллари иштирок этдилар. Маросимда ушбу китоб Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи арафасида нашрдан чиққани алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди. Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси Акмал Саидов сўзга чиқди. (ЎзА).

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Тошкентда Американинг «Озод Европа» ва «Озодлик» радиоси ваколатхонаси очилди. 45 йил муқаддам Америка ҳукумати томонидан ташкил этилган ушбу радиостанциялар айна пайтда Марказий, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган мустақил давлатларда 18 ваколатхонага эга. У жаҳон халқларининг 23 тилида эшиттиришлар олиб боради.

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

«Озод Европа» ва «Озодлик» радиоси президенти Кевин Клоз ва «Озодлик» радиоси ўзбек шўбаси муdiri Ёқуб Турон ваколатхона очилиш маросимида Марказий Осиёда муҳим жуғрофий, сиёсий ўрин тутган Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболли бўлишини таъкидладилар. (ЎзА).

ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

Гулистонда оммавий ахборот воситалари ходимларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлди. Унда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида чоп этилаётган вилоят, шаҳар, туман рўзномалари муҳаррирлари, республика газеталари ва Утелерадиокомпаниясининг мазкур вилоятлардаги муҳбирлари қатнашди.

Кенгашда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда матбуотнинг ўрни ва вазифалари ҳақида атрофлича фикр юритилди, маҳаллий газеталарни нашр этиш билан боғлиқ масалалар тилга олинди. Анжуман қатнашчилари Президент Ислам Каримовнинг «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва тўб ислохотлар йўлидир» китоби юзасидан давра суҳбати ўтказилди. Унда Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорига муносабат билдирилиб, давлатимиз раҳбарининг мазкур китобида бундай найранглarga кескин зарба берилганлиги таъкидланди. Президентимизнинг бу борда тутган йўли қўллаб-қувватланди. ***

Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари оммавий ахборот воситалари ходимларининг Самарқандда бўлиб ўтган минтақавий семинар-кенгаши ҳам ана шу масалаларга бағишланди. (ЎзА).

ЯНГИ ТАМАКИ ФАБРИКАСИ ҚУРИЛАДИ

«Бритиш Америкэн тобакко» компанияси раиси Ульрих Хертер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Самарқандда ташрифи буюриб, янги тамаки фабрикасининг пойдеворига илк гишт қўйиш маросимида иштирок этди.

ЯНГИ ТАМАКИ ФАБРИКАСИ ҚУРИЛАДИ

Вилоят ҳокими А.Мардиев маросимни очар экан, йиғилганларни бошланган хайрли тадбир билан қутлади. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Чжен сўзга чиқди. Шундай қилиб, янги тамаки фабрикасининг пойдеворига биринчи гишт қўйилди.

У асосан маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаради. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси Жиззах вилоятидаги 75-Форми сайлов округида бўлиб қолган ўринга Олий Мажлис депутатыни сайлаш бўйича 1996 йил 14 апрель куну ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда округ бўйича рўйхатга киритилган 46905 сайловчида 46333 нафари ёки 98,8 фоизи иштирок этди. Шундан 45722 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 98,7 фоизи Фарруҳа Фахриддинова Муҳитидинова номзодини ёқлаб овоз берди.

Овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияси тақдим этган баённи кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги республика Қонунининг 11, 46-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси 1955 йилда тузилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайратининг раиси Фарруҳа Фахриддинова Муҳитидиновани 75-Форми сайлов округидан Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИОН СУДАДА

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Конституциявий суднинг судьялари 17 апрелда қасамёд қабул қилдилар. (ЎзА).

ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистондаги домий вакили жаноб Халид Малик рафиқаси билан Қашқадарёда бўлиб, вилоятда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган ишлар билан танинди. Меҳмонлар Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ва темурийлар бунёд этган тарихий обидаларини, соҳибқирон туғилган қишлоқ — Хужайлгорни зиёрат қилди. Қарши шаҳрида вилоят расомларининг Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб ташкил этган ижодий кўргазмасини бориб кўрди. Меҳмонларга Қашқадарёга сафари давомида вилоят ҳокими О.Пармонов ҳамроҳлик қилди.



Қарши шаҳри аҳли қадимий меъморилик обидаларини таъмирлаш ишларини жадал олиб бормоқда. СУРАТЛАРДА: обидаларни илмий таъмирлаш Қарши участкаси бошчилиги (чапдан) Жаҳоншир Холлиқов, усталар З.Бахромонов ва И.Исмоилов; Қашқадарё устига қурилган қадимий кўприк қурилиши. Ш.ШАРИПОВ (ЎзА) олган сураатлар.

УШБУ СОҒДА:
1. УСТУВОР
2. ТАҚРИМ
3. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ТАЖРИБА, МУАММО, ТАҚРИФ ВА МУДОХАЛАЛАР
4. УНУТИЛМАС СИЙМО

